

**O'ZBEKISTON RESPUBLIRASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**



РЕФЕРАТ

Қўйқирилган қалъа топилмалари


Бахтиёр Қаямов-
ТДПУ тарих факультети 3- курс талабаси

Қўйқирилган қалъа топилмалари

Аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунгача сақланиб қолган ҳар бир буюм ўтмиш тўғрисида гувоҳлик беради. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, «Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-хануз ўзининг кўрк-у тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради».¹ Ўтмиш тарихни ҳолисона ўрганиш келажақ замини мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Қадимги Хоразм ҳудудидаги ноёб обидалардан бири Қўйқирилган қалъа бўлиб, у бугунги Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридан 22 км шимоли- шарқда жойлашган. Қўйқирилган қалъа милоддан аввалги IV-милодий III асрларга оид. Бу ёдгорликни дастлаб С. П. Толстов бошчилигидаги Хоразм археологик- этнографик экспедицияси аъзолари томонидан 1938 йилда топилган ва археологик тадқиқотлар ишлари 1951-1957 йиллар мобайнида олиб борилган. Қурилиш услуби жиҳатдан Қўйқирилган қалъа алоҳида ажралиб туради.

Қўйқирилган қалъа ташқи девори ортида қалъани айлана бўйлаб тўлиқ ўраб олган, эни 15 м, чуқурлиги 3 м сув билан тўлдирилган хандақ бўлган.² Қадимги Хоразм ҳарбий истеҳкомлари ва қалъалари деворининг муҳофаа хусусиятини кучайтириш учун протейхизма (қўшимча девор) кўтарилиб, у эски деворни ўраб олган. Ташқи муҳофаа деворда ҳар 20 метрдан буржлар жойлашган. Бу буржлар ичкарига ҳам, ташқарига ҳам девор чизигидан туртиб чиқмаган. Бу антик Хоразм



2-расм. Реконструкция (Толстов, Вайнберг, 1967)

архитектурасида жуда ноёб ҳисобланиб, ҳозирча унинг ўхшаши топилмаган. Мил. авв. IV – II асрларда ва ундан кейинги даврда қалъа деворларида шинаклар билан бирга ёруғлик тушиши учун туйнуклар ҳам бўлган. Булардан ташқари, қўшимча тарзда ёритиш мақсадида ажабтовур туйнуклардан – тоқлардан фойдаланилган. Қалъанинг шарқий қисмида дарвозаси бўлиб, дарвоза олди лабиринт (пандус- нишаб йўлка) шаклида қурилган.³ Қалъа айлана шаклда қурилган. Марказий қисмида арк жойлаш-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Тошкент: “Маънавият”, 2008 - Б. 30


² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11 жилд. Б. 182

³ Ходжаниёзов Ф. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. Б. 92

ган. Шунинг учун Қўйқирилган қалъа аркининг атрофи 2 қатор муҳофаа девори билан ўралган. Бу девор қалинлиги 1 метр, баландлиги 7 метр бўлган.⁴ Қалъа девор конструкциясига кирувчи ҳар иккала (ташқи ва ички)

девор умумий платформа – пахса асос устига қурилган. Бу қалъадан мил. авв. IV – III асрларга оид доира шаклидаги икки қаватли марказий ибодатхона биноси (диаметри 44.4 м, баландлиги 9.5 м га яқин) қазиб ўрганилган.⁵ Шунингдек, у расадхона сифатида ҳам фойдаланилган. Асосий кузатишлар қуёш ва юлдузларга қаратилган. Йил бўйи қуёш ботишини ўрганиш орқали улар баҳорги тенгкунлик, ёзги қуёш туриши, кузги тенгкунлик ва қишки қуёш туришини аниқлаганлар. Бу тенгкунлик ва қуёш туришлари қишлоқ ҳўжалиги ривожига катта таъсир кўрсатган. Бу кунлар қишлоқ ҳўжалиги календаридида белгиланган ва қишлоқ ҳўжалиги ишлари шу асосда олиб борилган. Тенгкунлик ва қуёш туришлари ўртача 41-45 кундан сўнг яна қайтарилган. Бу ердан орамий хатига асосланган қадимги Хоразм ёзуви топилган. У мил. авв. VII-VI асрларда вужудга келган. Оромий ёзув 22 та ҳарфдан иборат. Оромий ёзувидан Парфия, Бактрия, Сўғд, хоразмлик амалдорлар ўзларининг маъмурий ва давлат ишларини расмийлаштиришда фойдаланганлар. Ўрта Осиё оромий хатининг энг қадимги намунаси милoddан аввалги V-IV асрга оиддир.⁶

Қўйқирилган қалъадан топилган буюмлар турли даврга оид. Шунинг учун тадқиқотчилар археологик топилмаларни буюм тоифаси, ишлатилиш мақсади бўйича гуруҳлаганлар ва таҳлил этганлар. Бу ҳолатдаги таҳлил ҳар хил даврга тегишли, лекин бир жойда топилган буюмларни исботлаш йўлини беради.



Қўйқирилган қалъадан қурол –аслаҳага оид топилмалар кам топилган. Улар асосан 3 та бронза ва 4 та темирдан ясалган камон ўқи учларидир.⁷ Таҳлилларга кўра ўқ учлари милoddан аввалги VII-VI аср бошларига оид.

Темирдан ясалган камон ўқи учлари сарматлар мазорларида ҳам учрайди. Бундай ўқларнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида қачон пайдо бўлганлиги аниқ эмас. Хоразмнинг ўзида эса бундай ўқлар Қўйқирилган қалъадан ташқари Тупроқ қалъадан ҳам топилган (милодий III аср). Бундан келиб чиққан ҳолда Қўйқирилган қалъадан топилган камон ўқи учи хронологик санасини милoddан аввалги I - милодий IV аср билан белгилаш мумкин.

Қўйқирилган қалъадан топилган камон ўқи учи ёнида камон учун суякдан ясалган деталь топилган. Тупроқ қалъадан камон ўқи билан

⁴ Эгамбердиева Н. Археология.- Тошкент: “Низомий номидаги ТДПУ”, 2008. Б. 50


⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11 жилд. Б. 182

⁶ Хўжамов М., Лафасов М., Муллажонов Р. Тарихий ўлкашунослик ва туризм.- Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2011. Б. 67

⁷ Толстов С.П. Кой-Қрылган-Кала, М.: “Наука”, 1967, стр. 132

биргаликда топилган. Бунда бу деталь камонни безатиш учун ишлатилганлиги аниқланган. Камоннинг безак ўрнатиладиган чуқурчаси ичида текис бўлмаган бўртма чизиқлари бўлган. Бу эса безакни камонга ўрнатганда сиқилиб зич туриши ва тушиб қолмаслиги учун хизмат қилган.

Шунингдек, тошдан ясалган жуда кичик ҳажмдаги идишлардан (миниатюра) бир нечтаси топилган. Булар асосан, юмшоқроқ тош турларидан ясалган бўлиб, қутича кўринишида бўлган. Қутичанинг ташқи томони қўлда берилган параллел шаклдаги чизиқлар билан безатилган.



Қўйқирилган қалъадан бронзадан ясалган кўзгулар, мунчоқлар, узуклар, суякдан ясалган ошиқлар ва турли-туман рўзгор буюмлари топиб ўрганилган. Кўзгулар асосан бронзадан думалоқ шаклда ишланиб, ўртаси бўрттирилган, ярим доира шаклида четлари букланган. Бундай кўзгулар сарматлар мазорларидан (мил. авв. IV-II асрлар) ҳам топилган. Улар мил. авв. I - мил. авв. I асрларда ҳам кенг тақалган.⁸ Бунга асосланиб айтиш мумкинки, Қўйқирилган қалъадан топилган ушбу кўзгу мил. авв. IV- II асрларга тегишли. Ёдгорликдан жуда кам миқдорда

тақинчоқ ва безаклар топилган. Шунинг учун ҳам ўша даврдаги Хоразмликларнинг тақинчоқлари ва безаклари ҳақида маълумот бериш қийин. Бу ердан сариқ рангдаги тоғ биллуридан ясалган осма тақинчоқ топиб ўрганилган.

Олим Г.Г. Леммлейн шундай тақинчоқларни Қора денгиз, Днепр ва Дон қирғоқларида, Кубань далаларида, Ғарбий Грузияда топиб, солиштириб, мил. авв. III -мил. авв. IV асрларида тарқалганлиги ҳақида маълумотлар беради.⁹ Мунчоқлар асосан агатдан ясалган, катта, пастки қисми цилиндрик шаклга эга қора рангда бўлган. Бундай мунчоқлар Хоразмдаги Жонбос қалъадан ҳам топилган, у олим И.В. Пташникова томонидан таҳлил этилиб, мил. авв. III - I асрларга тегишлилигини аниқлаган.¹⁰



Ёдгорликдан темирдан ишланган узуклар ҳам топилган. Тузилишига кўра силлиқ, овалсимон, горизонталь ҳолатдаги асосга эга. Қўйқирилган қалъадан жуда кўп қўй суякларидан ошиқлар топилган. Баъзи ҳолларда

⁸ Мошкова М.Г., Хазанов А.М. Генезис сарматских бронзовых зеркал. 1963, Советская археология, № 4, стр. 62 -64


⁹ Леммлейн Г.Г. Опыт классификации каменных бус, М.: 1950, стр. 166 -167

¹⁰ Пташникова И.В. Бусы древнего и раннесредневекового Хорезма. т. I. М.: 1952, стр. 108

тўплам бўлиб турган ҳолда топилган. Кўп ошиқларнинг ўртасида тешик бўлган. У ошиқлар кўпинча ўйин учун ишлатилган. Шунингдек, баъзи бир ошиқларнинг устига қандайдир белгилар қўйилганлиги ошиқларнинг тумор сифатида ишлатилганидан далолат беради. Туморларга қараб шуни айтиш мумкинки, бу ерда фетишизм дини ҳам бўлган.¹¹ Қўйқирилган



қалъадан жуда кўп рўзғорда ишлатиладиган буюмлар топилган. Булар жумласига темирдан ясалган пичоқлар ва бронзадан ясалган катта қўнғироқ қиради. Бинобарин, бу ердан 300 дан ортиқ урчуқ учун мўлжалланган тошлар топилган. Ясалиш материалига кўра 3 гуруҳга мансуб: лойдан, тошдан ва ниҳоят суякдан ясалган.¹² Дикқатга сазовор томони шундаки, бу урчуқ учун ясалган айланма



тошлар Қўйқирилган қалъанинг ҳар хил жойларидан топилгани ва топилмаларнинг кўп миқдордалигидадир. Бу эса бу ерда жунни йигириш ишлари кенг миқёсда олиб борилганидан далолат беради.

С.П. Толстовнинг олиб борган тадқиқотлари натижасида қадимги хоразмликларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлгани, асосан, қўйлар боқилгани исботланди. Қўйларни жунидан ип йигирилган. Ҳунармандчиликда асосан кўзалар, тош ва шишадан кичик ҳажмдаги (миниатюра) қутича ва идишлар ясалганлиги, кичик ҳажмдаги аёл ва эркак, шунингдек, ҳар хил ҳайвон ҳайкалчалари, темирчиликда ҳар хил пичоқлар, узуклар ясалганлигини кўришимиз мумкин. Кўзаларнинг сиртларига ҳар хил чизиклар чизиш орқали безак берилгани, айрим кўзаларда эса содда нақш ва тасвирлар учрайди. Бундан кўриниб турибдики, Қўйқирилган қалъада иқтисодиёт ва маданият ўз даврида ривож топган.

Қўйқирилган қалъа археологик ёдгорлиги нафақат Қадимги Хоразм ҳудудидаги, балки республикаимиз ҳудудларидан топилган ёдгорликлар орасида ўзига хос қурилишига ва топилмаларга эгадир. Чунки бу ёдгорликни ўрганиш орқали биз, ўзимизнинг тарихимиз илдизларига тобора чуқурлашиб боришимиз, халкимизнинг тарихини, босиб ўтган даврлари-ю улар томонидан бизга мерос қилиб қолдирилган моддий ва маънавий меросларидан баҳраманд бўламиз. Шуларга асосланган ҳолда ҳозирги даврда ўсиб келаётган ёш авлодларимиздан ўз тарихини билиш, уни ўрганиш, асраб-авайлаш билан бир қаторда у билан фахрланиш каби туйғуларни шакллантириш лозим.

¹¹ Толстов С.П. Кой-Крылан-Кала, М.: “Наука”, 1967, стр. 157 – 158

¹² Ўша асар, 166-бет